

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

НАРГИЗА АДХАМОВНА ИСМАТОВА

**БУХОРО АМИРЛИГИ ВАҚФ МУЛКЧИЛИГИ ТАРИХИДАН
(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Оглавление авторефера та диссертации доктора философии (PhD)

Наргиза Адхамовна Исматова

Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги тарихидан
(XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) 3

Nargiza Adkhamovna Ismatova

From the History of Waqf Property in the Bukharan Emirate
(second half of 19th – early 20th centuries) 27

Наргиза Адхамовна Исматова

Из истории вакфного имущества в Бухарском эмирате
(вторая половина XIX – начало XX вв.) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

НАРГИЗА АДХАМОВНА ИСМАТОВА

**БУХОРО АМИРЛИГИ ВАҚФ МУЛКЧИЛИГИ ТАРИХИДАН
(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олний аттестация комиссиясида B2022.3. PhD/Tar726
рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифасида (www.fati.uz) ҳамда “ZiyoNET” (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим
порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Доно Ҳамидовна Зияева

тарих фанлари доктори, профессор

Азамат Зиё

тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азимхўжа Музаффарович Атаходжаев

тарих фанлари доктори

Ўқтамбек Абдулганиевич Султонов

тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллӣ университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти¹
хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 рақамили Илмий
кенгашнинг 2022 йил “___” “___” соат ___даги мажлисига бўлиб ўтади. (Манзил:
100047, Тошкент шаҳри, Яхё Гуломов кўчаси, Фанлар академияси асосий биноси 70-үй,
110-кона. Тел.: (99871) 233-54-70, (99871) 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail:
info@fati.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий
кутубхонасида танишин мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170,
Тошкент шаҳри, Зиёлilar кўчаси, 13-үй. Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” ____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” ____ даги ___-ракамили реестр баённомаси)



М.С. Исакова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тарих фанлари доктори

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, тарих фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳонда рўй берадиган глобаллашув ва интеграция жараёнлари айрим сиёсий мураккабликларни юзага келтириш билан бирга, инсониятнинг умумбашарий қадрияти саналган хайрия ва ҳомийлик сингари бунёдкорлик фаолиятларини янада юқори босқичга чиқармоқда. Дунёning катта қисмида ҳануз ўз аҳамиятига эга бўлган вақф – хайрия йўналиши бугунги кунда ҳам аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялашда алоҳида ўрин тутади. Шу жиҳатдан, хайрия ва ҳомийлик, мулкий муносабатлар, маданий-маърифий муассасалар фаолиятини тиклашда вақф мулкчилиги муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда амалга оширилаётган илмий изланишларда Марказий Осиёда вақф институти, жумладан, унинг назарий-хуқуқий асосларини аниқлаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидағи ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш, айниқса, Темурийлар даври вақф мулкчилиги ҳолатини ёритиш, вақфномаларнинг матншунослик таҳлилини амалга оширишга катта эътибор қаратилган. Шу билан бирга, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жиддий таъсир кўрсатган ҳодиса сифатида Бухоро амирлигига Россия империяси протекторати ўрнатилгач, вақф мулкчилигига юз берган ўзгаришлар ва уларга таъсир этган омилларни очиб бериш, вақфнинг жамият турли қатламлари манфаатларига хизмат қилувчи ҳамда ижтимоий ҳимоя вазифасини бажарган кўпқиррали институт сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар замирида тарих фани ривожи янги поғонага ўтиб, бирламчи манбаларга таянган ҳолда замонавий ёндашувлар асосида миллий давлатчилик тарихини ўрганиш ҳам янги сифат босқичига кўтарилимоқда. Зеро, “Тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўллэзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш”¹ бугунги куннинг долзарб вазифалари сифатида белгилаб олинди. Айниқса, таълим тизими, диний-маърифий муассасаларнинг моддий асосини ташкил этган вақф тизимини тиклаш, ривожлантириш ва бу орқали “фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш”²га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, Бухоро амирлигига вақф мулкчилиги тарихини бирламчи манбаларга таянган ҳолда миллий давлатчилик нуқтаи назаридан ўрганиш юқорида қайд этилган бир қатор масалаларга ойдинлик киритишга хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 471.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Фармони. www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 23 июнданги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунгача вақф мавзуси бўйича катта ҳажмда тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар ҳудуд жихатдан турли мусулмон мамлакатларини қамраб олади³. Улардан ишда услубий ёндашув ҳамда илмий-назарий хulosалар чиқаришда фойдаланилди. Лекин Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги тарихига доир маҳсус комплекс ишлар амалга оширилмаган. Масаланинг айрим жихатларини ёритувчи маълумотлар эса, Туркистондаги вақф масаласи акс этган турли йўналишдаги адабиётларда ўз ифодасини топган. Шу жихатдан, вақф мулкчилиги масаласига доир тадқиқотларни даврий ҳамда муаммовий ёндашув асосида Россия империяси, совет ва мустақиллик йилларида яратилган ҳамда хорижий тадқиқотларга ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мавзунинг тўлиқ тарихшунослик таҳлили диссертациянинг биринчи бобидан ўрин эгаллаганлиги боис, бу қисмда ҳар бир гурӯхга умумий тавсиф ва хulosалар бериб ўтилди.

Россия империяси даврида амалга оширилган ишларда муаммога империя ҳукумати манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда вақфларни назоратга олишда, ер муносабатларидаги саволларга, хусусан, улардан хазина ҳисобига солиқ солиш сингари масалаларга ойдинлик киритиш жихатидан ёндашилган.

Совет даври тадқиқотларида вақф масаласи асосан *агар ва ер мулкчилиги муносабатлари* тарихи доирасида, шунингдек, *манбашунослик* нуқтаи назаридан ўрганилди. Мазкур асарларда вақф мулкчилиги тарихига ер-сув муносабатлари, иш юритиш ва ҳужжатшунослик – дипломатика,

³ Kuran T. The Provision of Public Goods under Islamic Law: Origins, Impact, and Limitations of the Waqf System // Law and Society Review. – 2001. – Vol. 35, №. 4. – P. 841–897; Shatzmiller M. Islamic Institutions and Property Rights: the case of the ‘Public Good Waqf’ // Journal of the Economic and Social History of the Orient. – 2001. – Vol. 44, № 1. – P.57–58; Layish A. Waqfs of Awlād al-Nās in Aleppo in the Late Mamlūk Period as Reflected in a Family Archive // Journal of the Economic and Social History of the Orient. – 2008. – Vol. 51, № 2. – P. 287–326; Cizakca M. Cash waqfs of Bursa, 1555–1823 // Journal of the Economic and Social History of the Orient. – 1995. – Vol. 38, № 3. – P. 313–354.

аёлларнинг жамиятдаги роли, уламоларнинг мақоми ҳамда уларнинг иқтисодий ҳолати сингари масалалар доирасида эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ҳамда диний қадриятларнинг тикланиши шароитида вақф мулкчилиги тарихига эътибор кучайиб, мавзу тарихшунослиги бойиб борди. Бу даврда ёзилган тадқиқотларда Россия империясининг Туркистондаги вақфларга нисбатан юритган сиёсати, вақф мулкчилигининг бошқаруви, пул вақфи, аёлларнинг вақф мулкчилигидаги ўрни сингари жиҳатлар ўрин эгаллаган.

Хорижлик муаллифлар томонидан яратилган асарларда вақф мавзусининг назарий жиҳатлари, хужжатшунослик таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, ушбу мутахассислар турли тарихий даврлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда вақф мулкчилигининг аҳамиятини ёритишга ҳам эътибор қаратганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган ФА-Ф8-043: “XIX асрнинг сўнгги чораги – XX аср бошларида Бухоро ва Хива хонликлари тарихи” (2008-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳа ҳамда ИФА-2012-1-13: “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (4-жилд)” (2012-2013) ва ИФА-2012-1-3: “Ўзбекистон тарихи (1860-1917 йиллар)” (2012-2013) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги ҳолати, унга таъсир кўрсатган ички ва ташқи омилларни ёритиш орқали Россия империяси мустамлакачилигининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Илмий адабиётларда вақф масаласининг ёритилиши ҳамда улардаги асосий ёндашувларни таҳлил этиш;

Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги ҳолатини акс эттирувчи манбаларни аниқлаш, тизимлаштириш, таснифлаш, таҳлил қилиш, шунингдек, тарихий хужжатларни илмий муомалага киритиш;

Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан протекторатга айлантирилиши ва унинг вақф мулкчилигига таъсирини таҳлил этиш;

мулкларни вақф қилиш тартиби, вақф субъектлари ҳамда улар фойдасига таъсис этилган мулк турларини ёритиш;

вақф мулкларидан фойдаланиш йўллари ва бу борада юзага келган муаммоларни тадқиқ этиш;

воқифлар ижтимоий таркибини таҳлил этиш;

вақф мулкчилигига жинс ва ёш масалаларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига вақф мулкчилиги тарихи танланган.

Тадқиқотнинг предметини Бухоро амирлигига вақф мулкчилиги, вақф соҳасидаги анъаналар ҳамда юз берган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар ташкил қиласди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда микротарих, қиёсий-солиштирма, статистик ва мазмуний таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан протекторатга айлантирилиши, муҳим худудларнинг қўлдан кетиши ҳамда Зарафшон сувини тақсимлаш ҳуқуқининг мустамлакачи маъмурият ихтиёрига ўтиши, қолаверса, минтақанинг пахта етиштиришга мослаштириб борилиши бевосита вақф тизимида ер-сув танқислиги, вақф мулклари даромадидан фойдаланишнинг қийинлашиши, таъминотсиз қолган қўплаб масжид-мадрасаларнинг қаровсиз ҳолга келиб, давлат тасарруфига ўтиб кетиши сингари жиддий ижтимоий-иктисодий оқибатларга олиб келганлиги далилланган;

Бухоро ҳукмдорлари империяга тобеъ бўлган ҳолатда ҳам вақф мулкчилигини тартиба солишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, ариза (*муроҷаат, шикоят, ҳисобот*) ҳамда қонуности (*муборакнома, ёрлиқ*) ҳужжатларнинг тизимли тарзда юритилишига катта эътибор билан ёндашганликлари асосланган;

Бухоро амирлиги вақф амалиётидаги фарқли жиҳатлар аниқланиб, товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида илгари чекланган ҳажмда бўлган пул вақфлари сони ортиб борганлиги ҳамда мазкур мулк тури асосан қўчмас мулкка қўшимча тарзда, бошқа қўчмас мулк сотиб олиш учун таъсис этилгани аниқланган;

Амир Абулаҳадхон томонидан Мадина шаҳридаги “Равзайи Мунаввара” учун таъсис этилган вақф мулклари мисолида Бухоро ҳукмдорларининг араб мамлакатларига ажратган хайриялари асрий анъана ва қадриятлар билан боғлиқлигидан ташқари, уларнинг халқаро майдондаги сиёсий мавқеларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилгани асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот жараённида Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги билан боғлиқ 700 га яқин вақфномалар, 25 та ижара ҳужжатлари, 100 га яқин олди-сотди (*байъи бот*) 10 дан ортиқ гаров (*байъи жойиз*) ҳужжатлари, вақф масаласига доир 87 та турли мазмундаги аризалар, ҳукмдорлар томонидан чиқарилган 100 дан ортиқ фармойишлар, Бухородаги мавжуд ижтимоий муассасалар рўйхати тадқиқ этилиб, мулкий муносабатлар, ер эгалиги, ижтимоий муносабатлар масалалари очиб берилган;

Вақфномалар матни таҳлил этилиб, уларнинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда жараёнлар кетма-кетлигига мувофиқ, яъни сана, расмийлаштирилган жой, вақф таъсис этувчининг (вокиф) номи, вақфга берилган мулк ҳамда унинг чегаралари, вақф мулки даромади фойдасига йўналтирилган муассаса ёки ижтимоий-диний тадбир, вақф мулкларини бошқарувчи шахс (*мутавалли*), вокиф томонидан қўйилган шартлар, гувоҳлар ҳамда босилган

муҳрнинг кимга тегишли эканлиги сингари қисмлардан ташкил топган маълумотлар базаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган мавзунинг республика ҳамда хорижий давлатлар архив фондларида сақланаётган вақф масаласига доир тарихий ҳужжатлар асосида ўрганилгани, шунингдек, замонавий тадқиқот усулларидан ҳамда илмий-назарий ёндашувлардан фойдаланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тақдим этилган маълумотлар Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимида муҳим ўрин эгаллаган вақф мулкчилиги тарихини чуқурроқ ўрганишга хизмат қиласи. Тадқиқот натижалари Туркистон ўлкасида мулкий муносабатлар, диний-ижтимоий муассасалар ва уларнинг хўжаликлари бўйича олиб борилаётган илмий изланишларни янада ривожлантириш ҳамда янги назарий-услубий ёндашувларни ишлаб чиқишига асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқининг тарихий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган давлат дастурларини бажаришга, миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаш, тарғиб этишга бағищланган лойиҳаларни ишлаб чиқишига ҳамда унда илгари сурилган илмий маълумотлар, таҳлилий материаллар ва хулосалардан олий ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи ўқув муассасаларида Марказий Осиё, жумладан, Туркистон ўлкасида ижтимоий-иктисодий муносабатлар тарихи, тарихий манбашунослик бўйича мустақил курслар ташкил этишга, тарихий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда маъruzалар тайёрлашда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) мавзуси бўйича олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига вақф мулкчилиги ҳолати, вақф хўжаликлари фаолияти, мулкларини таъсис этиш, вақф ҳужжатларини расмийлаштиришга доир маълумотлардан ЎзРФА Тарих институтида 2012-2013 йилларда бажарилган Фан ва технологиялар қўмитасининг ИФА-2012-1-13 рақамли инновацион лойиҳаси доирасида тайёрланиб, чоп этилган “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (4-жилд)”ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 3/1255-3175-сон маълумотномаси). Тақдим этилган маълумотлар Бухоро амирлигига таълим тизими, маърифий-маданий муассасалар тарихи, мулкчилик муносабатлари сингари ижтимоий-иктисодий масалаларни ёритишига хизмат қиласи;

Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан протекторатга айлантирилиши, муҳим ҳудудларнинг қўлдан кетиши ҳамда Зарафшон сувини тақсимлаш ҳуқуқининг мустамлакачи маъмурият ихтиёрига ўтиши, қолаверса, минтақানинг пахта етиштиришга мослаштириб борилиши, бевосита вақф тизимида ер-сув танқислиги, вақф мулклари даромадидан

фойдаланишнинг қийинлашиши, моддий таъминотсиз қолган кўплаб масжид-мадрасаларнинг қаровсиз ҳолга келиб, давлат тасарруфига ўтиб кетиши сингари жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатлар борасидаги илмий-назарий хуносалардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Манбалар сўзлаганда”, “Очиқ дарс” ҳамда “Тарихий савол” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК, “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил 15 апрелдаги 02-40-566-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига вақф тарихи борасидаги таҳлилий фикрларни кенг жамоатчиликка билдириш, шунингдек, хайр-эҳсон, инсонпарварлик ҳамда ижтимоий қўллаб-кувватлаш сингари foяларни тарғиб этиш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжумандан, жумладан, 5 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 сахифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари кўрсатилган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари устувор йўналишларига мос келиши, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишонччилигини асослаш билан бирга, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Вақф мулкчилиги мавзусининг тарихшунослиги ва манбавий асослари”** деб номланиб, дастлаб олинган масаланинг тарихшунослик таҳлили амалга оширилган.

Мавжуд адабиётлар таҳлили бугунга қадар XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига вақф⁴ тарихига доир комплекс ишлар амалга оширилмаганини кўрсатади. Лекин турли йўналишдаги тадқиқотларда Туркистон ўлкасидаги вақфлар ўрганилиши масаласининг у

⁴ Вақф – мусулмон мамлакатларида давлат ёки мусулмонлар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2017. – Б. 122; “Вақф” сўзининг синоними сифатида айрим мусулмон мамлакатларида “хабс”, “хубус” ёки “хубс” сўзи кўлланилади. The Encyclopaedia of Islam. Vol.11. – Leiden: Brill, 2002. – Р. 59.

ёки бу жиҳатлари акс этган бўлиб, уларни *Россия империяси ва совет давридаги ишлар, шунингдек, мустақиллик йилларида яратилган асарлар ҳамда хорижлик муаллифлар томонидан ёзилган адабиётларга ажратиб таҳлил этилди.*

Туркистон ўлкаси вақф мулкчилиги масаласининг тизимли равишда маҳсус ўрганилиши бевосита Россия империясининг минтақада олиб борган сиёсати билан боғлиқдир. Империя ҳукумати худудни босиб олгандан сўнг ҳар соҳада мустаҳкам бошқарувни ўрнатишга, мулкларни тасарруф этишга ҳаракат қилган. Бир неча асрлардан бери шаклланиб келган ҳамда Туркистонда мулкчиликнинг салмоқли қисмини эгаллаган вақф мулкчилиги тадқиқ қилиниши зарур бўлган масалалардан бири сифатида турад эди. Бу ишга бевосита жалб этилган рус шарқшунос-ўлкашунослари ўз навбатида кўплаб юқори вазифаларни эгаллаган амалдорлар эди. Натижада вақф масаласига бағишлиланган дастлабки тадқиқотлар пайдо бўлди⁵. Ушбу ишларда империя ҳукумати манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда вақфларни назоратга олишда, ер муносабатларидаи саволларга, хусусан, улардан ҳазина ҳисобига солиқ солиш сингари масалаларга ойдинлик киритиш жиҳатидан ёндашилган.

Совет ҳукумати даври адабиётларида вақф мулкчилигини ўрганиш ўзига хос тарзда амалга оширилди. Дастлабки даврларда, аниқроғи 1917-1928 йиллар оралиғидаги тадқиқотларда бу масалага вақф мулклари бўйича ислоҳот ўтказиш, уларни назоратга олиш мақсадида ёндашилди. Бу бўйича рус муаллифларидан В.Л. Вяткин⁶, П.П. Иванов⁷, қолаверса, М. Абдурашидхонов, А. Чўлпон сингари миллий зиёлилар қарашларида ҳам ўзига хос мулоҳазалар акс этган эди⁸.

1929 йил Ўзбекистон ССРда вақф мулклари тутатилганидан сўнг, вақф масаласи тарихшунослигида янги йўналишдаги тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Улар асосан *агар ва ер мулкчилиги муносабатлари тарихи*⁹

⁵ Кун А.Л. Вакуфы // Туркестанские ведомости. – 1872. – № 21; Ростиславов М. Н. Несколько слов о важности вакуфных документов в историческом отношении // Туркестанские ведомости. – 1873. – № 42; Ростиславов М. Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае // Труды III международного съезда ориенталистов в Санкт-Петербурге 1876. Спб., 1879-1880. – С. 1-33.; Емельянов Н. Численность вакуфов Туркестанского края // Туркестанские ведомости. – 1887. – № 1; Мордвинов Н.Л. Богоугодные и благотворительные учреждения (вакф) у оседлых инородцев Туркестана // Туркестанский сборник. – Т. 454. – С. 7-14 (Русский вестник, 1899); Цветков П. Несколько слов о вакуфах // Туркестанский сборник. – Т. 541. – С. 51-68 (Сред. Аз., 1910. – № 10); Наливкин В.П. Записка о положении вакуфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. Тип. штаба Туркестанского военного округа, 1900. – Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), И-1-фонд, 12-рўйхат, 79-ийғмажилд, 1-19-вараклар; Вяткин В.Л. О вакуфах Самаркандинской области. Справочная книжка Самаркандинской области. – Вып. X. - Издание Самаркандинского Областного Статистического Комитета. - Самаркандин, 1912. - С. 3-13.

⁶ Вяткин В.Л. Вакуфный документ Ишратхана. Мавзолей Ишратхана. – Ташкент, 1958. – С. 109–136 (мақола олим вафотидан анча вакт ўтиб чоп этилган).

⁷ Иванов П.П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв. - Москва-Ленинград, 1954. – 377 с. (монография олим вафотидан анча вакт ўтиб чоп этилган).

⁸ Ў.Султоновнинг диссертациясида бу хусусида батафсил маълумот берилган. Қаранг: Султонов Ў.А. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI – XX аср бошларига оид тарихий хужжатлар асосида). Тарих фанлари бўйича докторлик дисс. – Тошкент, 2016. – Б. 21-23.

⁹ Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. - Ташкент, 1954. – 104 с.; Петрушевский И.П. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII-XIV веков. – Москва-Ленинград, 1960. – 489 с.; Махмудов Н. Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии в

доирасида, шунингдек, *манбашинослик*¹⁰ нуқтаи назаридан амалга оширилди. Мазкур асарларда вакф мулкчилиги тарихига ер-сув муносабатлари, дипломатика, аёлларнинг жамиятдаги роли, уламоларнинг мақоми ҳамда уларнинг иқтисодий ҳолати сингари масалалар доирасида эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида мулкчилик муносабатларининг ўзгариши ҳамда диний қадриятларнинг тикланиши шароитида вакф мулкчилиги, маданий-маърифий муассасалар тарихига, қўлёзма манбалар тадқиқига эътибор кучайди. С.Д. Болтабоев¹¹, Б.Б. Маллабаев¹² тадқиқотларида Россия империясининг Туркистондаги вакф мулкларига нисбатан юритган сиёсатининг умумий жиҳатлари акс этган бўлса, И.А. Алимов¹³ асарларида Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугатилиш тарихи ўз аксини топди. Шунингдек, ушбу йилларда Ф. Жўраева¹⁴, О. Жалилов¹⁵, Э. Каримов¹⁶, Ш. Камолиддин¹⁷ сингари мутахассислар томонидан Туркистон хонликларига мансуб айрим вакф ҳужжатлари ўрганилиб, улар асосида вакфнинг жамиятдаги ўрни очиб беришга эътибор қаратилди.

Туркистон ўлкасида Россия империя ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин вакф тизимида юзага келган муаммоларни таҳлил этишда У. Абдурасулов¹⁸ ҳамда Ў. Султоновлар¹⁹ тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек,

XIII-XIV вв. – Душанбе, 1966. – 128 с.; Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX - начале XX века. – Душанбе-Алма-Ата, 1967. – 330 с.; Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – 256 с.; Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. – Ташкент: Фан, 1970. – 286 с.; Шайхова А. Документы об аренде вакфных земель в Хивинском ханстве XIX – начало XX века // ОНУ. – 1986. – № 1. – С. 48-51.

¹⁰ Чехович О.Д. Крестьянские обязательства 1914 г. на основании мнимой грамоты Исмаила Самани // Исторические записки. – Т. 33, 1950. – С. 259-270; Чехович О.Д. Бухарские документы XIV в. – Ташкент: Фан, 1965. – 332 с.; Чехович О.Д. Самаркандинские документы XV–XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д. Чехович – Москва: Наука, 1974. – 461 с.; Чехович О.Д.; Вильданова А.Б.. Вакф Субханкулихана Бухарского 1693 г. // Письменные памятники востока. – Ежегодник 1973. – Москва: Наука, 1979. – С. 213-235; Большаков О.Г. Два вакфа Ибрахима Тамгач-Хана в Самарканде // Страны и Народы Востока. – Вып. X. – Москва: Наука, 1971. – С. 170-178; Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам Вакфнаме. – Ташкент: Фан, 1966. – 354 с.

¹¹ Болтабоев С.Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX в. Автореф. дисс... кандидата исторических наук. – Ташкент, 1995. – 21 с.

¹² Маллабаев Б.Б. Чоризмнинг Туркистонда вакф мулкчилик сиёсати (Хожа Ахрор авлодлари мисолида). Тарих фанлари номзоди дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. – 27 б.

¹³ Алимов И. Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар) – Тошкент: Фан, 2009. – 222 б.

¹⁴ Жўраева Ф. Вакф нима? // Шарқшунослик, 1991. – № 2. – Б. 37-47.

¹⁵ Жалилов О. Хазинамиздаги Хева ҳужжатлари // Шарқшунослик, 1993. – № 4. – Б. 62-71.

¹⁶ Каримов Э.Э. Кубравийский вакф XVIII – XIX вв.: письменные источники по истории суфийского братства Кубравия в Средней Азии. – Ташкент: Фан, 2008. – 279 с.

¹⁷ Камолиддин Ш., Махмудова М., Мусаметов Б. Два вакфа Тамгач Бугра-хана в Самарканде. Вакфные документы XI века на мадраса и дом больных в Самарканде / Текст. Перевод. Комментарии. – Lap Lambert Academic Publishing, 2012. – 280 с.

¹⁸ Абдурасулов У.А. Вакфы Ташкента и их социальное пространство (на основе архивных материалов конца XIX — начала XX вв.) // Социальная жизнь народов Центральной Азии в первой четверти XX века: традиции и инновации. – Материалы международной конференции. – Ташкент, 2009. – С. 86-89.

¹⁹ Султонов Ў.А. Тошкент вакф ҳўжалигида ижара муносабатлари (Кўкаaldoш мадрасаси вакф маъмурияти ижара ҳужжатлари таҳлили) // O‘zbekiston tarixi. – 2012. – № 2. – Б. 35-46; Sultonov U. Waqf Administration in Tashkent Prior to and After the Russian Conquest: A Focus on Rent Contracts for the Kukeldas Madrasa // Der Islam, 2012. – Bd. 88. – P. 324-351; Султонов Ў.А. Тошкент вакф ҳўжалигида анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI – XX аср бошлирига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Тарих фанлари бўйича докторлик

олиб борилаётган изланишлар натижасида вақф мулкчилигининг бошқарув тизими²⁰, пул вақфи ва ундан фойдаланиш асослари²¹, аёлларнинг вақф мулкчилигидаги ўрни²² сингари масалаларга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Хорижлик муаллифлар ҳам Марказий Осиёдаги вақф масаласига эътибор қаратган бўлиб, улар турли тарихий даврлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар доирасида мазкур масалани ҳам ўрганганлар²³.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, ҳозирга қадар яратилган асарларда вақф масаласининг бир қатор жиҳатлари турли ёндашувлар асосида ёритилган бўлса-да, бу борада жуда кўп масалалар, жумладан, вақф бошқаруви, вақф хўжаликлари тарихи, вақф мулкчилигига эгалик ҳуқуки сингари мавзулар кенг миқёсда тадқиқ этилмаган. Туркистон, Тошкент ҳамда Хива мисолида мазкур масалаларнинг айrim жиҳатлари очиб берилган бўлса-да, Бухоро амирлиги бўйича бу ҳолат қузатилмайди.

Биринчи бобнинг иккинчи қисмида мавзунинг манбавий асосини ташкил қилувчи бирламчи манбалар тадқиқига эътибор қаратилган. Мазкур манбалар икки групга: *тарихий ҳужжатлар* ҳамда *тарихий асарларга* ажратган ҳолда тавсифланди. Уларнинг ўзаро қиёсий таҳлили XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг турли жиҳатларини ёритишга хизмат қиласди.

I. Тарихий ҳужжатлар. Вақф муносабатлари тарихига оид ҳужжатлар мазмунига кўра қўйидаги: 1) мулкларни вақф этиш жараёни билан боғлиқ ҳужжатлар бўлиб, улар таркибига *вақфномалар* (*вақфиялар*)²⁴ ва гувоҳлик орқали қайта расмийлаштирилган *шаҳодатномаларни* киритиш мумкин;

дисс. автореферати. – Тошкент, 2016. – 88 б.; Султонов Ў.А. Тошкент вақф мулклари тарихи: тарихий ҳужжатлар тадқиқи ва талқини (1507-1917). – Тошкент: Фан, 2021. – 367 б.

²⁰ Якубов Қ.К. Муҳаммад Раҳимхон II мадрасаси вақф хўжалиги: маъмурий бошқаруви, тузилиши ва иқтисоди // O’zbekiston tarixi. – 2015. – № 3. – Б. 13-23; Якубов Қ.К. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошида Хива хонлигига вақф институти (Тарихий-манбашунослик таҳлили). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2018. – 179 б.

²¹ Халияров А. Хива хонлигига пул вақфининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларига доир // O’zbekiston tarixi. – 2014. – № 4. – Б. 12-23.

²² Исматова Н.А. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари Бухоро амирлиги вақф мулкчилигига аёллар фаолияти // O’zbekiston tarixi. – 2018. – №3. – Б. 3-14; Исматова Н. Бухоро амирлигига аёл воқифалар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари). – Тошкент: Шарқ, 2020. - 206 б.

²³ McChesney R.D. Waqf in Central Asia: Four Hundred Years in the History of a Muslim Shrine, 1480-1889. – Princeton, 1991. – 356 p.; McChesney R.D. Reconstructing Balkh: The *Vaqfiya* of 947/1540 // Studies on Central Asian History in honor of Yuri Bregel. Edited by Devin DeWeese. – Indiana University, Bloomington, 2001. – P. 187–243; Schwarz F. An endowment deed of 1547 (953 h.) for a Kubravi khanqaqah in Samarkand // Die Grenzen der Welt. Ed. by Lorenz Korn, Eva Orthmann and Florian Schwarz. – Wiesbaden: Reichert, 2008. – P. 189-210; Subtelny M.E. Timurids in Transition. Turk-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. – Leiden-Boston: Brill, 2007. – 411 p.; Абашин С.Н. Ислам в бюрократической практике царской администрации Туркестана (Вакуфное дело дахбитского медресе. 1892-1900) // Сборник Русского Исторического Общества. – Москва: Русская панорама, 2003. - № 7. - С. 163-191; Pianciola N. and Sartori P. Waqf in Turkestan: the colonial legacy and the fate of an Islamic institution in early Soviet Central Asia, 1917-1924 // Central Asian Survey. – 2007. – № 26. – P. 475-498; Isogai K. A. Commentary on the Closing Formula Found in the Central Asian Waqf Documents. Persian Documents. Social History of Iran and Turan in the fifteenth to nineteenth centuries. Edited by Kondo Nobuaki. – London and New York, 2003. – P. 3-12; Reichmuth P. Semantic Modeling of Islamic Legal Documents: A Study on Central Asian Endowment Deeds. PhD thesis manuscript. – Martin-Luther-Universität Halle (Saale), 2010. – 310 p.

²⁴ Бухоро ҳужжатларида “вақфия” сифатида қайд этилган.

- 2) олди-сотди (*байъи бот*), гаров (*байъи жойиз*), ижара келишувлари;
- 3) аризалар; 4) ҳукмдор муборакномалари ва ёрлиқлари.

Ўзбекистон Миллий архиви, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидағи тарихий-меъморчилик ва бадиий музей-қўриқхоналари, Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург шаҳридаги Шарқ қўлёзмалари институти фондларида сақланувчи вақфномалар (700 га яқин), олди-сотди ҳужжатлари (100 дан ортиқ), ижара битимлари (25 та), вақф масаласига доир аризалар (87 та), фармойишлар (100 дан ортиқ) тадқиқ этилди.

Вақфнома мулк(лар)нинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ҳужжат саналиб, унинг матни йиллар давомида анъанавий тарзда тузилган ва шартли равища “муқаддима”, “асосий” ва “хотима” бўлимларидан, улар ўз навбатида бир неча кичик қисмлардан иборат бўлган.

XVIII аср охирлари ва айниқса, XIX асрлардан бошлаб, ихчам, яъни кам варакли вақфномаларни тузиш анъанаси кузатилади. Мазкур ҳолат вақф таъсис этишда ўртахол аҳоли вакилларининг ҳам фаоллашувидан далолат берадики, бу нарса уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан боғлиқ эди, дейиш мумкин. Чунки ҳужжатларни расмийлаштиришга муайян маблағ талаб этилган²⁵. Албатта, ҳужжатларни ихчамлаштиришда унинг анъанавий шакл-қолипи (формуляри)ни бузмасликка эътибор берилган²⁶.

Айрим вақф ҳужжатлари мураккаб тузилишга эга бўлиб, таркибида вақфнома, вақф мулки сотилиб, ўрнига янги мулк харид қилинган ҳолда қайта вақф сифатида таъсис этилган ҳужжат, олди-сотди келишувлари ўрин эгаллаган²⁷.

Бухоро амирлиги вақф муносабатларида байъи жойиз – мулкини олинган “қарз” эвазига вақтинчаликка “сотиш”²⁸, яъни “гаровга қўйиш” амалиёти, гарчи Хива хонлигидаги каби оммалашмаган бўлса-да, учраб турган. Бу турдаги аниқланган саноқли ҳужжатлар ҳам мазкур амалиётнинг бевосита вақф ускуналарига нисбатан қўлланилганини кўрсатади.

Вақф мулкчилигига оид аризалар мақсад ва вазифаларига кўра даъво шикояти, мурожаатнома, ҳисбот мазмунида битилган бўлиб, қуйидаги масалаларни қамраб олади: а) вақф мулкларининг аҳволи, яъни бошқаруви, даромад тақсимоти ва ҳоказо; б) мулкларнинг чегарасини аниқлаштириш билан боғлиқ низолар; в) вақф мулкларини сотиш; г) вақф муассасалари ҳамда унга йўналтирилган мулкларнинг таъмири; д) вақф мулклари ижараси ҳамда ижарачилар билан боғлиқ низоли ҳолатлар.

²⁵ Қозихоналарда ҳужжат расмийлаштирилиш учун маблағ олинган. Бундан ташқари, мухр учун “муҳронा”, мулозим хизмати учун “хизматона” ҳақлари олинган. Бу ҳақида қаранг: Юсупов М.С. Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмиррате в конце XIX – начале XX в. Текст и вводная статья: Ульфат Абдурасулов и Паоло Сартори. Тошкент-Вена, 2016. – С. 18.

²⁶ Бу ҳолатда юқори табака вакилларининг вақфномаларидан фарқли ўлароқ, уларнинг муқаддимасида келтирилувчи узундан-узун ҳамд-сано қисмидан воз кечилган, холос.

²⁷ ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 125, 125/1, 125/2, 125/3, 125/4-йифмажиллар.

²⁸ Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 32-33.

Муборакнома расмий ёзишма сифатида давлатчилик тарихи билан боғлиқ бошқарув қурилмаси, иш юритиш тартиби сингари масалаларга ойдинлик киритиш имконини беради. Бу турдаги ҳужжатларга ҳукмдорларнинг интилишлари, хохиш-истакларини кўрсатувчи далил сифатида ёндашилса, улар амирларнинг етакчилик хислатларини, мамлакатда юзага келган ҳар қандай масалада бефарқ бўлмаганликларини намоён қила олиши билан алоҳида аҳамиятлидир.

Бухоро амиригига вакф мулкчилиги тарихини ёритишда тадқиқ этилаётган даврларда яратилган *тарихий асарлар* ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур асарлар шартли равишда икки гурухга ажратилган ҳолда кўриб чиқилди. *Биринчи гуруҳга* ҳукмрон сулола тарихи, ижтимоий-иктисодий ҳаётга оид маълумотлар қайд этилган манбаларни киритиб, тадқиқотнинг у ёки бу масалаларини ёритишда фойдаланилди²⁹.

Яратилган асарлар ғоявий ёндашув жиҳатидан ўзаро фарқ қилган. Сарой муаррихларидан саналган Носириддин Тўра, Муҳаммад Салимбек, шунингдек, манғитлар сулоласи ҳукмдори Сайид Амир Олимхон (1910-1920) асарларида табиийки, манғитлар сулоласига нисбатан хайрихоҳлик, уларнинг сиёсатини оқлаш позициялари сезилади. Ушбу асарларда ҳукмдорларнинг хайрий, маданий-маърифий, бунёдкорлик соҳалардаги фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб, тарихнависликда сарой вакиллари томонидан ёзилган тарихий асарлар ортиши билан бир қаторда норасмий тарзда ёзилган асарлар ҳам юзага келганлигини кузатиш мумкин³⁰. Жумладан, Аҳмад Дониш, Мирзо Абдулазим Сомий, Садр Зиё, Садриддин Айний, Фитрат сингари “мустақил тарихчилар”нинг юқорида зикр этилган “норасмий” асарлари мамлакатдаги бошқарув тизими билан боғлиқ муаммоларга, жамиятдаги ижтимоий-иктисодий масалаларга, хусусан,

²⁹ Сайид Муҳаммад Носир ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро / Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи F. Каримов. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – 128 б.; Трактат Ахмада Дониша “История мангитской династии” / Перевод, предисловие и примечания И.А. Наджафовой. – Душанбе: Дониш, 1967. – 142 с.; Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи / Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қиёмиддин Йўлдошев. – Тошкент, 2014. – 141 б.; Мирзә ‘Аbd ал-‘Azim Сāmī. Ta’rīx-i Salātīn-i Māngītīyā / Перевод и примечания Л.М. Епифановой. – Москва, 1962. – 178 с.; Мирзо Салимбек. Кашқули Салимий. Таворихи мутқааддимин ва мутгаахири / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н. Йўлдошев. – Бухоро, 2003. – 342 б.; Мирза Салимбек. Тарих-и Салими / Перевод с персидского, вводная статья и примечания: Н.К. Норкулов. – Ташкент: Академия, 2009. – 330 с.; The Personal History of a Bukharan Intellectual. The diary of Muhammad-Sharif-i Șadr-i Ziyā / Translated from the Original Manuscript by Rustam Shukurov. – Leiden-Boston: Brill, 2004. – 407 р.; Садриддин Айний. Асарлар. 7-т. Эсадиклар. IV қисм / Тожикчадан А. Ҳакимов таржимаси. – Тошкент, 1966. – 321 б.; Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи / Форсийдан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Абдусодиқ Ирисов.- Тошкент: Фан, 1991. – 21 б.; Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёхининг қиссаси / Тожик тилидан таржимон Ҳасан Қудратуллаев // Шарқ юлдизи. – 1991. – № 8. – Б. 13-43; Абдурауф Фитрат. Ҳинд саёҳи баёноти. Танланган асарлар. – I жилд / Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Д. Алимова ва б. – Тошкент, 2000. – Б. 98-169; Юсупов М.С. Суд в Бухаре. Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмирата в конце XIX – начале XX в. 1941. Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий-музей қўрикхонаси, № 828; Юсупов М.С. Суд в Бухаре. Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмирата в конце XIX – начале XX в. / Текст и вводная статья: Ульфат Абдурасулов и Паоло Сартори. – Ташкент-Вена, 2016. – 169 с.; Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистан бешиги / Тарж. Ҳ. Тўраев. – Бухоро, 2004. – 120 б.

³⁰ Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар (XIX – XX аср бошлари) / Масъул мухаррир Д.Х. Зияева. – Тошкент, 2022. – Б. 46-47.

вақфларга нисбатан танқидий фикрлар анча дадил баён этилганлиги билан ўзига хосдир.

Бухородаги машхур сўфийлар, авлиёлар қабрлари, мадрасалар хусусида маълумот берувчи манбалардан³¹ вақф муассасалари миқдорини тадқиқ этишда фойдаланилди.

Сафарномалар – XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига ташриф буюрган кишилар ўзларига юкландган турли топшириқ ва вазифалар доирасида амирликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли тафсилотларни қайд этганлар³². Гарчи ушбу манбаларда бевосита вақф мулкчилиги ҳолати хусусида батафсил сўз юритилмаса-да, ер-сув муносабатлари билан боғлиқ маълумотлари мавзуни ёритишда алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, XIX аср охирларида ўлкага ташриф буюрган даниялик зобит ҳамда сайёҳ Оле Олуфсен Зарафшон суви тасарруфини ўз қўлларига олган рус хукумати Бухоронинг бу сувга эҳтиёжи борлигини англаган ҳолда қасдан сувни узиб қўйганлиги хусусидаги фикрни билдиради. Бундан кўзланган мақсад амирликнинг Россия империясига итоаткорлигини кучайтиришдан иборат бўлганлигини таъкидлайди³³.

Диссертациянинг “**Бухоро амирлиги вақф мулкчилигининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ҳолати ва хусусиятлари**” деб номланган иккинчи бобида дастлаб тадқиқ этилаётган даврда амирликдаги вақф мулкчилиги ҳолати, вақфга бериладиган ерлар ҳажмида содир бўлган ўзгаришлар, мулк дахлизлиги тушунчалари таҳлил этилган.

1868 йилда Россия империяси томонидан Бухоро амирлигининг босиб олиниб, “протекторат”, яъни қарам давлатга айлантирилиши анъанавий мулкчилик тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шу боис, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги вақф мулкчилиги ҳолати унинг Россия империяси протекторати сифатидаги сиёсий мақоми, ижтимоий-иқтисодий вазият ва юз берган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир.

Россия империяси амирликда ўз мавқенини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий, ҳарбий-стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда кўплаб чора-тадбирларни амалга оширган. Хусусан, Туркистон генерал-губернатори талаби билан амирлик ҳудудида “Империя сиёсий агентлиги”нинг таъсис этилиши, Бухоро иқтисодиётига рус капиталининг кириб келиши, Бухоро қишлоқ хўжалигининг Россия саноати учун хом-ашё етказиб берувчи

³¹ Мухаммад Насриддин ал-Ханафи ал-Хасани ал-Бухари. Тухфат аз-заирин / Перевод, предисловие, комментарии – Х. Тураев. – Ташкент, 2003. – 31 с.; Мухаммад Али Балжуоний. Тарихи нофей / Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Вохидов, Зоир Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – 122 б.; Садр Зиё. Зикри асомийи мадориси дохилайи Бухоройи Шариф. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 2193.

³² Ханыков Н. Описание Бухарского Ханства. – Спб., 1843. – 279 с.; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Спб. 1865; Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару Русской миссии в 1870 году. – Спб., 1871. – 108 с.; Schuler E. Turkistan. Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. – New York, 1876. – 463 р.; Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари / Кириш, инглиз тилидан қисқартирилган таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи З.А. Сайдбобоев. – Тошкент, 2019. – 335 б.; Olufsen O. The Emir of Bokhara and His Country. – London, 1911. – 599 р.

³³ Olufsen O. The Emir of Bokhara and His Country. – P. 4.

сифатида ихтисослашуви³⁴ шулар жумласидандир. Катта ҳажмдаги ер майдонларининг пахта экишга мослаштириб борилиши бевосита вақфга бериладиган ерлар ҳажмини қисқаришига олиб келган. Бу даврларда асосан 2-4 таноб³⁵ ҳажм оралиғидаги ерлар вақф қилинганини мавжуд тарихий хужжатлар орқали кузатиш мумкин.

1888 йилда Россия-Бухоро ҳукуматлари ўртасида қабул қилинган ва Россия манфаатларини кўзлаган қўшимча қоидалар орқали ерларни хусусийлаштиришга чекловлар қўйилди. Эндиликда амирлик фуқаролариға қўриқ ерларни ўзлаштириш жараёнидан сиёсий агентликни хабардор этиш мажбурияти юклатилган эди. Ҳар бир киши учун муайян ҳажмдан ортиқ ерларни бериш тақиқланди. Жумладан, маҳсулот сақланадиган омбор учун 750 дан 1500 квадрат саржин³⁶гача, тураг-жой учун 300 дан 750 квадрат саржингача, бозор растаси учун 5 дан 15 квадрат саржинга teng бўлган ҳажмдаги ерларни сотиб олишга ижозат берилди. Аксинча, Россия фуқароларининг имтиёзлари кенгайтирилиб, улар сиёсий агентлик рухсати билан амирлик ҳудудидан ер сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар³⁷.

Бухоро амирлиги кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакат бўлиб, иқтисодиёт негизини сунъий сугоришга асосланган дехқончилик ташкил этар, бунда вақф ерларининг ҳам ҳиссаси катта эди. Амирлик сугориш тизимининг асосий манбаи бўлган Зарафшон дарёсидан 142 та магистрал канал бош олиб, шундан 99 таси Самарқанд ҳамда 43 таси Бухоро воҳасини сугорар эди³⁸. Мавжуд маълумотларга кўра, XIX асрнинг 70-йилларида сугориладиган ерларнинг умумий ҳажми 289174,2 десятина³⁹ бўлган⁴⁰. Россия босқинидан сўнг Зарафшон дарёсидан фойдаланиш Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ихтиёрига ўтиши, сувнинг вақтида берилмай тўсиб қўйилиши амирлик қишлоқ хўжалиги учун катта зарар келтирган⁴¹. Оқибатда кўп экин ерлари қуриб қолиб, ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келган. Мазкур ерлар орасида вақф ерларининг ҳам бўлганлиги ҳисобга олинса, табиийки, ўлкада содир бўлган сиёсий ўзгаришларнинг амирлик вақф мулкчилиги тизимиға жиддий таъсир этганлиги яққол кўзга ташланади.

Истилога қадар шариат қоидаларига кўра, вақф муассасаси оралиқдаги масофадан қатъий назар, ўзига тегишли бўлган мулкка тўғридан-тўғри эгалик қилган. Лекин Россия империяси билан тузилган шартномадан сўнг, асрлар

³⁴ Холикова Р. Россия-Бухоро: Тарих чорраҳасида. – Тошкент: O‘qituvchi, 2005. – Б. 196-231.

³⁵ Таноб – Ўрта Осиёда кенг тарқалган ер ўлчови бирлиги ҳисобланиб, худудларга кўра турлича бўлган. Бухоро, Самарқанд ва умуман Зарафшон водийсида 1 таноб 625 кв. сажен = 2845,1562 кв.м. га teng бўлган. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – Москва, 1970. – С. 129.

³⁶ Саржин – Россияда 1918 йилга қадар қўлланилган ўлчов бирлиги бўлиб, 3 газ ёки 2136 м.га teng. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент, 2002. – 4-том. – Б. 515.

³⁷ ЎзМА, И-3, 2-рўйхат, 1-ийғмажилд, 3-4-вараклар.

³⁸ Мұхаммаджонов А.Р. Куйи Зарафшон водийсининг сугорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). Тошкент: Фан, 1972. – Б. 202.

³⁹ Десятина – Россияда қўлланилган асосий юза ўлчови бўлиб, 2400 кв. саржин ёки 1609 га. га teng. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент, 2002. – 3-том. – Б. 267.

⁴⁰ Мұхаммаджонов А.Р. Куйи Зарафшон водийсининг сугорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Б. 202.

⁴¹ Аҳмад Доңиш. Рисола ёхуд мангитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. – Б. 94.

давомида амал қилиб келинган “муқаддас ва дахлсиз мулк” тушунчаси ўзгарган. Яъни, Бухоронинг қатор масжид, мадраса ва хонақоҳлари ўзларига тегишли мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган ва аксинча, губернаторлик ҳисобига ўтиб кетган кўплаб вақф муассасаларининг Бухородаги хусусий мулклари бошқарувсиз қолганлиги боис давлат (амирлик) мулкига айлантирилган. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар Зарафшон музофоти девонхонасида кўплаб сақланиб қолган⁴². Ўз навбатида Самарқанд, Жиззах, Хўжанд, Ўратепа сингари йирик худудларнинг амирлик тасарруфидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибиға ўтиши вақф муассасаларига тегишли мулклар ва уларнинг даромад ҳамда харажатлари масаласида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқарган. Албатта, бундай ҳолатлар икки томон ўртасида кўплаб келишмовчилик ва норозиликларни келтириб чиқарган. Шу жиҳатдан, мустамлака қилинган худудда мавжуд бўлиб келган анъанавий тартиб-қоидалар билан тўқнаш келган рус хукумати анчагина жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши лозим эди. Бу борада Туркистон генерал-губернаторлиги аввало, ўзининг тасарруфидаги худуд вақф тизимини тадқиқ этиб, тегишли тартибда ислоҳотлар ўтказишга ҳаракат қилган ва бу жараёнлар бевосита ҳамда билвосита амирликда ҳам акс-садо берган эди.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги тарихий жараёнлар жуда кенг қамровли бўлиб, бу даврда мусулмон мамлакатлари ҳаётида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, тарқақийпарварлик ҳаракатлари амирликдаги барча соҳаларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. XX аср бошларида ташкил топган “Ёш бухороликлар” гурухи амирлик демократик бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича ўзгариш қилишга астойдил сайъ-ҳаракат қиласидар. Улар томонидан маҳсус дастур лойиҳаси ишлаб чиқилади. Лойиҳанинг “Вақф ерларига” бағишлиланган маҳсус қисмида вақф соҳасини буткул ислоҳ қилиш, уни тизимлаштириш, вақф ишлари бўйича вазирлик ташкил этиш таклифи киритилган бўлиб, мазкур идора вақф даромадлари, сарф-харажатларини назорат қилиши лозим эди.

Империя хукуматининг амирлик ички ишларига аралашуви билан бирга, бевосита Бухоро амирининг ўзи ҳам маълум бир ислоҳотлар ўтказганигини кузатиш мумкин. Жумладан, жамиятнинг турли жабҳаларида ислоҳот ўтказишга ҳаракат қилган Сайид Амир Олимхон вақф соҳасига алоҳида эътибор берган. Амир томонидан 1911 йилда имзоланган “Таълим тўғрисида”ги фармонда давлат хазинаси олинган вақфлардан шаҳарнинг турли ерларида мактаблар барпо этишга кўрсатма берилган⁴³. Расмий матбуотда келтирилган Бухородаги аксарият мактабларнинг вақф маблағи ҳисобига қурилаётгани ҳақидаги маълумот ушбу фармоннинг амалдаги ижроси хусусида тасаввур ҳосил қиласиди⁴⁴.

⁴² ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 3442-йигмажилд, 1-14-вараклар.

⁴³ Жамолова Д. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 41.

⁴⁴ Бухородаги янгилик // Туркистон вилоятининг газети. – 1911. - № 26.

Иккинчи бобнинг кейинги қисмида вақф таъсис этишнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилди.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигига мулкларни вақф этишда анъанавий ҳолат сақланган эди. Гарчи Россия империяси билан тузилган шартномага кўра амирнинг ички ва ташқи сиёsatдаги мустақиллиги сезиларли даражада чекланган бўлса-да, рус ҳукумати бу ердаги мулкчиликнинг муҳим тури бўлган вақфлар ишига тўғридан-тўғри аралашмаган. Чунки вақф мулкчилиги аҳолининг бевосита диний эътиқоди, асрлар давомида шаклланиб бўлган турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ эди. Қолаверса, жамиятда катта таъсир кучига эга бўлган дин пешволарининг вақф хўжаликлари бошқарувида ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Албатта, Россия империясининг вақф таъсис жараёнига аралашуви амирлик аҳолиси орасида катта норозиликларни келтириб чиқарган бўларди. Бунинг ташқи омили ҳам мавжуд бўлиб, араб ўлкалари, Усмонийлар империяси, Форс давлати сингари йирик мусулмон мамлакатлари ҳам четда қараб туришмас, ўз муносабатларини кўрсатишлари табиий эди. Бу эса, халқаро миқёсдаги зиддиятларга ҳам сабаб бўлиши мумкин эди.

Вақф таъсис этиш бунга қарор қилган шахснинг бевосита қозихонага мурожаати билан бошланган. Мавжуд тартиб-қоидалар шартли равища қўйидагича тизимга солиб, таҳлил этилди:

1. Вақф мулкини таъсис этувчи шахс – *воқифнинг шахсиятига қўйилган талаблар*. Қози томонидан мурожаат қабул қилинар экан, ўз навбатида таъсис этувчининг вақф қилишга лаёқати ҳам аниқланган.
2. *Воқифнинг ташқи қиёфаси*. Ҳужжатларнинг кўпчилигига вақф қилувчининг ташқи кўриниши аниқ тасвирланган бўлиб, бу қисмни шартли равища “*воқиф паспорти*” деб аташ ҳам мумкин.
3. *Вақф қилинувчи мулкка нисбатан қўйилган талаблар*. Вақф сифатида ажратилган мулк воқиф тасарруфидаги мулкларнинг энг яхшиси ва ўзгаларнинг ҳақидан ёки вақф бўлишига тўскинлик қиласиган ҳар қандай ҳолатлардан холи бўлиши вақф шартларининг муҳим жиҳатларидан саналган.
4. *Гувоҳлар*. Шариатда гувоҳлик ва уларнинг сони борасида маълум бир қоидалар белгиланган. Даврлар ўтиши билан гувоҳларнинг шахси ва сони масаласининг аҳамияти янада ортган. Уларнинг ижтимоий мақоми ва сони вақф қилувчининг жамиятдаги мавқеини кўрсатиб, унинг ишончлилик даражасини белгилаган.
5. *Вақф мулкининг ҳужжатлаштирилиши*. Бу жараён халифа Умар (р.а.) давридаёқ амалга оширилган ва ўзининг муайян тузилишига эга бўлиб борган.

Тадқиқ қилинган ҳужжатлар Бухоро амирлигига то XIX аср биринчи чорагига қадар авлодлар фойдасига вақф таъсис этиш анъанаси давом этганини кўрсатади. Бироқ ушбу аср ўрталаридан бошлаб, 95 фоиздан ортиқ ҳолатларда авлодлари фойдасига вақф этиш деярли кузатилмайди⁴⁵. Буни аввало “*авлодий вақф*” қилувчи кишилар, яъни катта мулк эгалари табақаси камайган бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, мазкур ҳолат бевосита

⁴⁵ Бугунгача сақланган ҳужжатлар асосида ушбу фикр илгари сурилмоқда.

вақф субъекти жисмоний шахс бўлганлиги билан боғлиқ, деган мулоҳаза пайдо бўлади⁴⁶.

Мазкур бобнинг кейинги қисмида вақф субъектлари⁴⁷, уларга таъсис этилган мулклар ва уларнинг ўзгариш суръати кўрсатиб берилган. Диний-маърифий муассасалар орасида масжидларга мулк этиш етакчи ўринга чиққанини кузатиш мумкин. Хусусан, таъсис этилган вақфларнинг 60 фоизи масжидлар улушига тўғри келгани аниқланди. Масжидлар нафақат ибодат маскани, балки ахборот алмашув маркази сифатида ҳам аҳамияти тобора ортиб борган. Бироқ масаланинг сиёсий томони ҳам бўлган. Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач, ўлкада рус-тузем, шунингдек, янги усуслаги мактаблар жорий қилиш жараёнлари бошланган эди. Шу жихатдан, анъанавий таълим тизимини қўллаб-қувватловчилар иложи борича масжидлар ва улар таркибида мактаблар барпо эттирганлар.

XIX аср охирларида ўзбек хонликларида мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари – Макка ва Мадинадаги масжидлар фойдасига мулкларни вақфга айлантириш анъанаси кенг ёйила бошлаган⁴⁸. Мазкур ҳолат Бухоро мисолида ҳам яққол кўзга ташланиб, унинг ўзига хос жиҳати у ерда таъсис этилган вақфлар асосан Мадинага, хусусан, муқаддас масжид – “Масжидун Набавий”даги қорилар, улар томонидан ўтказиладиган диний тадбирлар фойдасига йўналтирилган. Бунинг сабаби шундаки, бир неча даврлар аввал, аниқроғи, XVII асрда Мадинага келиб ўрнашган бухоролик уламолар диний билимлар борасида шаҳарда ниҳоятда катта обрў-эътибор қозониб, ўзига хос Бухоро диаспорасини ҳосил қилган эдилар⁴⁹. Вақф муассасалари Мадинада бўлса ҳам унга тақдим этилган мулклар Бухорода жойлашган бўлиб, ўзига хос “элтиб бериш” хизмати йўлга қўйилган эди. Албатта, бунинг учун мазкур вақф мулкларига тайинланган мутавалли асосий масъул бўлиб, вақфдан келадиган фойдалар узлуксиз етиб боришини таъминлаб туриши лозим бўлган.

Тадқиқ этилаётган даврда анъанавий тарзда ер, савдо расталари, дўконлар, саройлар, тегирмон билан бир қаторда ҳовли-жойларни вақф этиш кўпайиб борди.

Амирликда то XIX аср ўрталарига қадар катта таноб ер майдонларини таъсис этиш муҳим ўрин эгаллаганлигини кўрсатади. Кейинчалик эса, гарчи ер мулклари ҳануз ҳам асосий вақф мулкларидан бири сифатида таъсис этилса-да, унинг ҳажмида сезиларли қисқаришлар бўла бошлади.

⁴⁶ Агар тадқиқ қилинаётган давр хусусияти, минтақада рўй берган сиёсий ўзгаришлар нуқтаи назаридан ёндашсак, кишилар мулкларини кўлдан бой беришдан хавфсираган бўлишлари мумкин. Зоро, мулк масжид-мадрасалар фойдасига таъсис қилинганда – ушбу муассасалар ҳозирги замон тили билан қайд этганда юридик шахс бўлиб, муайян ҳукуқларга эга яхлит тизим сифатида шаклланган эди. Албатта, бу тизимнинг дахлсизлиги давлат томонидан ҳимоя қилинар эди. Шу жихатдан, оддий аҳоли мулкларни аниқ муассасага таъсис этишни маъкул топганлар.

⁴⁷ Вақф субъекти деганда вақф мулклари даромади йўналтирилган диний-маърифий муассасалар ҳамда муайян шахслар назарда тутилади.

⁴⁸ Илмий адабиётларда “Ҳарамайн вақфлари” сифатида маълум.

⁴⁹ Reichmuth Philipp. Semantic Modeling of Islamic Legal Documents: A Study on Central Asian Endowment Deeds. – P. 217.

Капиталистик муносабатларнинг кучайиши ҳамда товар-пул муносабатларининг ривожланиши маълум маънода вақф мулкчилиги тизимига ҳам таъсир кўрсатди. Шу сабабдан мазкур даврларда кўчар хусусиятига эга мулклардан – пул вақф қилиш ортиб борди. Эътиборли жиҳати, агарда Хивада пулнинг ўзига алоҳида вақф обьекти сифатида ҳужжат расмийлаштирилган⁵⁰ бўлса, Бухорода асосан пул маблағи билан бирга бошқа турдаги мулк ҳам вақф қилинар эди. Шунингдек, амирликда пулдан фойдаланиш тартиби аксарият ҳолларда мазкур маблағга ер, дўкон каби кўчмас мулк турларини сотиб олиш тарзида намоён бўлган⁵¹.

Ушбу қисмда китоблар вақфига оид маълумотлар ҳам тақдим этилган. XIX – XX асрларда китоблар таъсис этилган вақфномалар бошқа мулклар улушкида жуда камчиликни ташкил этади. Мавжуд вақфномаларда эса, китоблар қатори кўчмас мулклар ҳам таъсис этилган. Бироқ бу ҳолатда китоблар вақфи кам бўлганлиги хусусидаги тугал хulosани бериб бўлмайди. Зоро, китобларнинг ўзинигина вақф қилиш зарурияти туғилганда, улар учун алоҳида вақфномалар расмийлаштирилмаган.

Мазкур бобда вақф қилинган мулклардан фойдаланиш масалалари ҳам ўрин эгаллаган. Вақф мулкларидан фойдаланиш механизмининг асосий ҳаракатлантирувчиси “ижара”⁵² ва “истибдол”⁵³ амалиётлари ҳисобланган.

“Ижара” амалиёти шартли равишда а) оддий ёки содда ижара; б) қўшимча ижара (*субаренда*); в) мураккаб қўринишдаги ижара шаклларига ажратиб таҳлил қилинди.

Вақф мулки ижараси бошқарувчи (*мутавалли*) ҳамда ижарага оловчи шахс ўртасида келишув ҳамда розилик асосида тузилган *битимда* қайд этилиб, “ижаранома” ёки “хатти ижара” деб юритилган. Бу битим қозихонада маҳсус котиб – *мирзойи ижора* томонидан расмийлаштирилган ҳамда қозининг муҳри билан тасдиқланган. Ушбу котиб шунингдек, ижарага берилган вақф мулклари ҳисобини ҳам қайд этиб борган⁵⁴. Ижара ҳақи одатда ижарачилар томонидан бевосита мутаваллига топширилган⁵⁵. Вақф ерлари вақф муассасасидан анча йироқда жойлашган худудларнинг ижара тўлови эса, маҳсус ёрдамчилар томонидан йиғиб олинган. Бевосита давлат ихтиёрига ўтган вақфларнинг ижара даромади масъул амалдорлар томонидан йиғилиб, давлат хазинасига йўналтирилган ва бу ҳақда ҳукуматга ҳисобот бериб борилган.

⁵⁰ Қаранг: ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 1372, 1373, 1374-йигмажиллар.

⁵¹ Мавжуд вақф ҳужжатлари асосида бу фикрга келинди.

⁵² “Ижара” атамаси лугатда бирор нарсадан муайян муддатга маълум маблаг эвазига фойдаланиш ёки [кимнидир] ёллаш маъносини англатади. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 204.

⁵³ “Истибдол” вақф этилган мулкни бошқасига тўғридан-тўғри алмаштиришни ёки сотиб ўрнига фойдалироқ мулк харид қилиш амалиётини назарда тутади.

⁵⁴ Юсупов М.С. Суд в Бухаре. Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмирате в конце XIX - начале XX в. – С. 27.

⁵⁵ Абдураимов М.А. Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах эмира Хайдара. – Ташкент, 1961. – С. 35; Институт Восточных Рукописей РАН (ИВР РАН). Архив востоковедов. Личный фонд А.Л. Куна (Россия Фанлар академияси Шарқ кўлёзмалари институти, Шарқшунослар архиви. А.Л. Кун (1840-1882) шахсий фонди), фонд-33, опись-1, дело-165, лл.-22, 46, 53, 61, 62, 65, 75, 77-вараклар.

Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги тизимида вақф мулкларидан “истибдол” амалиёти орқали ҳам фойдаланиш анъанаси мавжуд бўлган. Вақфнинг доимий даромад келтириш хусусиятига эътибор қаратилиб, ундан фойда келиши тўхтаса, мулкни бошқасига алмаштириш ёки сотиш мумкинлигига айрим уламолар томонидан ижозат берилган⁵⁶. Вақф мулки таъсис қилинган муассасанинг харобага айланиши, бузилиши ёки мулклар даромадининг тўхташи сингари ҳолатларда бу амалиёт қўлланилган. Мазкур амалиёт пул вақфларига нисбатан ҳам жорий қилинган⁵⁷.

Тадқиқотнинг “Вақф мулкчилиги тизимида ижтимоий муносабатлар” деб номланган учинчи бобда аввало вақф таъсис этувчиларнинг ижтимоий таркиби таҳлил этилган.

Вақф мулкчилиги шаклланган дастлабки вақтлардан буён асосан ҳукмдорлар, юқори табақа вакиллари ҳамда уламолар томонидан мулклар таъсис этиб борилган. Тадқиқ этилаётган даврга келиб эса, ўртаҳол аҳоли вакилларининг ҳам фаоллашуви қузатилади. Бу жараёнларга бевосита таъсир кўрсатган Россия империяси омили ҳам кўриб чиқилган. Хусусан, минтақада рўй берган сиёсий вазият, давлат ҳудудининг катта қисми қўлдан бой берилганини кишилар онгида мулкларини тортиб олиниши қўркувини келтириб чиқарган. Шунинг учун аҳолининг вақф қилишга қодир барча қатлами онгли равишда мулклар дахлсизлигини таъминлаш мақсадида вақф қилганлар.

Воқифларнинг ижтимоий таркиби *юқори*, *сипоҳий* ҳамда *ўртаҳол* қатламларга бўлинган ҳолда уларнинг вақф таъсис этишга ундан манфаатлар нуқтаи назардан таҳлил этилди. *Юқори* қатламнинг энг олий ўринини эгаллаган ҳукмдорларнинг вақф таъсис этиш орқали ўз сиёсий мавқеларини мустаҳкамлашга бўлган интилишлари ёритилди. Жумладан, сўнгги уч мангит ҳукмдорларидан Амир Музаффархон (1860-1885), Амир Абдулаҳадхон (1885-1910) ҳамда Амир Олимхон (1910-1920)лар томонидан кўплаб вақфлар таъсис этилган, қайта тикланган бўлиб, бу аввало мавжуд анъаналарга ҳурмат, ён босиши сингари фазилатлар уйғунлиги қаторида ўз сиёсий мавқенини кўтаришга бўлган интилиш ҳам эди.

Мангит сулоласи етакчилари мусулмонлар учун муқаддас саналган Макка ва Мадина шаҳарларидағи ҳарамайн масжидлари, ҳаж зиёратчилари учун вақф таъсис қилиш анъанасини ҳам давом эттирганлар. Айниқса, XIX аср охиридан бошлаб бу жараён оммалашиб борди⁵⁸. Бу минтақага темир йўл ўтказилиб, ҳаж қилиш имконияти ортгани билан ҳам изоҳланади. Мазкур ҳолатга ҳукмдорларнинг халқаро миқёсда, айнан мусулмон мамлакатлари орасида ҳам мавқенини мустаҳкамлашга бўлган ҳаракат сифатида қараш мумкин. Яъни, Бухоро амирлиги бошқа мусулмон мамлакатларига вақф таъсис этиш орқали ҳам ўша давлатларнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда

⁵⁶ Маргинани Бурхануддин. Хидоя. – С. 542-544; Sait S., Lim H. Land, Law and Islam: Property and Human Rights in the Muslim World. - London-New York: Zed Books, 2006. – Р. 150.

⁵⁷ Пул маблағи вақф сифатида таъсис этилганда мазкур маблағга манфаатли ер ёки савдо муассасаси каби кўчмас мулк сотиб олиш белгилаб қўйилган.

⁵⁸ Қаранг: Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. – С. 85; ЎзМА, И-323, 1-рўйхат, 1187-йиғмажилд.

эътирофига сазовор бўлишга ҳаракат қилар эди. Шунингдек, Амир Абдулаҳадхон ўша даврларда Усмонийлар империяси таркибида бўлган Миср, Ироқ, Сурия сингари араб мамлакатларида турли работлар, меҳмонхоналар барпо эттиргани алоҳида эътиборга лойиқ масаладир⁵⁹. Айнан Россия империясининг амирликни тўлиқ эгалламай, балки протекторат мақоми билан чекланишида шу омиллар ҳам ўрин тутган бўлиши табиий. Зеро, Усмонийлар мамлакати бир мусулмон мамлакатининг номусулмон мамлакатга тўла қарам бўлишига йўл қўймас эди.

Фуқаро ёки раият деб номланган табақа Бухоро амирлиги ахолисининг асосий қисмини ташкил қилган⁶⁰. Ушбу табақа таркибига дехқон, чорвадор, хунарманд ҳамда савдогарларни киритиш мумкин. Улар томонидан таъсис этилган вақфлар асосан ўзлари истиқомат қиласидаган ҳудуд манфаатларини кўзлар эди. Яъни, хайрия этишга имкони етадиган табақа вакиллари томонидан ажратилган мулклар асосан ўзлари яшайдиган муайян ҳудуд учун ажратилар эди. Ўзига хос жамоавий асосда ташкил этилган бундай вақфи хайрия асосида кичик ҳудудларда, хусусан гузарларда қурилган таълим масканларида ахоли савод чиқариб, илм олган, масжидларда намоз ўқиш билан бирга аҳли жамоа кўришиб, ахборот ҳам алмасиб турган. Бу сингари вақфларни ишсизликни бартараф этувчи восита сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Кишилар хайр-эҳсон қилиш, жамоат манфаатини ўйлаш баробарида жамоадошлари орасида обрў-эътибор, ишончга сазовор бўлганлар.

Мазкур қисмда шунингдек, турли қатлам ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Бухородаги Хожа Ориф Ревгариј зиёратгоҳ мажмуаси вақф хўжалиги мисолида ёритилди⁶¹. Мажмуага тегишли вақф ўрамидаги маълумотларни ўрганиш асосида зиёратгоҳнинг шартли чизмаси тузилди.

Мазкур зиёратгоҳ фаолияти хусусидаги маълумотларнинг дастлабкиси XVI асрга оид бўлиб, вақф хужжатига кўра, шайбонийлардан Абдуллахон II (1534-1598) номи билан бевосита боғлиқ. Зиёратгоҳ вақфларининг таъсис этувчиси сифатида Амир Темур номи ҳам тилга олинади. Ушбу ҳукмдор томонидан Бухоронинг Шофиркон тумани Чорвадара қишлоғидаги 1000 танобдан ортиқ ер вақф сифатида берилганлиги баён этилган⁶². Бироқ матн мазмунининг таҳлили ўрамдаги мазкур вақфлар XVIII асрларга оидлигини кўрсатди.

Ушбу параграфда мазкур давр мутаваллиярининг ҳолатига ҳам атрофлича баҳо берилди. Бу вақтларда мутаваллилар кенг ваколатларга эга бўлганликлари билан аввалги даврлардан ажралиб турганлар. Хусусан, улар вақф мулкларини бошқаришда, ижарага бериш ва нархини белгилашда анча эркин бўлганлар. Бу ҳолат вақф таъсис этиш жараёни ортиб, мутаваллилар

⁵⁹ Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. – Б. 63.

⁶⁰ Нормуродова Г. Бухоро амирлиги ижтимоий қатламлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли (1868-1920 йиллар). – Тарих фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 19.

⁶¹ ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 858-йиғмажилд. Хожа Ориф Ревгариј ҳакида қаранг: Исматова Н. Бухоро зиёратгоҳларини ўрганишда вақф хужжатларининг аҳамияти (Хожа Ориф Ревгариј зиёратгоҳ мажмуасига оид вақф ўрами) // O’zbekiston tarixi. – 2020. – №4. – Б. 62-71; Якубов К. Амир Темур сиймоси мангит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация // Sharqshunoslik. – 2021. – Б. 3-16.

⁶² ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 858-йиғмажилд.

сони кўпайгани, оқибатда уларни назорат қилиш қийинлашгани билан изоҳланади. Яна бир омил сифатида *аралаш* вакфлар оммалашиб борилганлигини кўрсатиш мумкин.

Мутавалли сифатида нафақат воқиғ ёки унинг авлодлари, балки масжид имоми, мадраса мударриси, худуд оқсоқоли тайинланган ҳолатлар ҳам қўп учраган. Ҳукмдорлар ёки юқори мансаб эгалари томонидан қилинган вақфларни мутавалли сифатида йирик амалдорлар, Бухоро амирлиги бош қозиси бошқарган. Шу ўринда бош қози – қозиул-қузотнинг Бухородан Мадина шаҳрига таъсис этилган деярли барча вақфларга мутавалли этиб тайинланиши эътиборга лойиқ. Вақф ҳужжатлари таҳлили муайян вақф ҳўжаликлари таркибида бир неча мутаваллилар фаолият юритганини кўрсатади. Демак, муайян вақф ҳўжаликларида ўзига хос “*мутаваллилар бирлашмаси*”, шунингдек, мутаваллиларни бирлаштирувчи асосий бошқарувчи – “*мутаваллибоши*” ҳам фаолият юритган, деган мулоҳазани билдириш мумкин.

Мазкур бобда вақф мулкчилиги тизимида жинс масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган ҳолда аёлларнинг вақф соҳасидаги иштироки таҳлил этилган.

Тадқиқ этилаётган даврда Бухоро амирлиги вақф мулкчилиги тизими аёллар иштирокининг фаоллашуви билан аҳамиятлидир. Зеро, архив ҳужжатларининг кўрсатишича, XIX-XX асрларда қилинган вақф мулкларининг тахминан 30 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келган ҳамда уларнинг аксарияти ўртаҳол аҳоли вакилалари бўлган⁶³. Бу кўрсаткич аёллар ўртасида ҳам мулкий муносабатлар ниҳоятда ривожланганлигидан дарак беради⁶⁴.

Аёллар ўз мулкларини масжид, мадраса сингари муассасалар фойдаси учун таъсис этиб, жамиятнинг диний-маънавий ҳаётига ҳамда таълим тизимига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Воқифалар томонидан Мирза Абдураҳмон Аълам (1888 м. / 1305 х.)⁶⁵, Уста Баҳодир (1892 м. / 1310 х.)⁶⁶, Мир Дўстумбий (1916 м. / 1334 х.)⁶⁷ сингари машхур мадрасалар ҳамда гузар масжидларига⁶⁸ турли хилдаги кўчмас мулклар таъсис этилган.

XIX-XX асрлар оралиғида аёллар орасида айниқса, мақсурахон қорилар фойдасига хайр-эҳсон қилиш оммалашиб боради.

Воқифаларнинг катта қисми томонидан асосан вақфнинг “*хайрий*” тури қўллаб-қувватланган. Аёлларнинг хайрий вақф қилишга ундан омиллардан яна бири – бу уларнинг руҳий ҳолати билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

⁶³ Ушбу фоиз ЎзМА И-323-фондидаги вақф ҳужжатлари асосида тахминий ҳисобланди. Аёлларга тегишли айрим вақфномалар йўқолган бўлиб, уларнинг вақф қилгани ҳақида “олди-сотди” ҳужжатларида маълумотлар учрайди.

⁶⁴ Қўшни худудлар билан қиёслаганда бу анчагина катта рақам ҳисобланади. Хусусан, Тошкентда ушбу даврларда таъсис этилган вақфлардан атиги 8 таси аёлларга тегишли эканлиги аниқланган. Бу ҳақда қаранг: Султонов Ў. Тошкент вақф ҳўжалигига анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI – XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). – Б. 20.

⁶⁵ ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 58-йиғмажилд.

⁶⁶ ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 83-йиғмажилд.

⁶⁷ ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 80-йиғмажилд.

⁶⁸ ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 134, 149, 163, 165, 510-йиғмажиллар.

Хусусан, уларнинг аксарияти бефарзанд аёллар бўлиб, вафотларидан сўнг ортларидан қилинадиган дуони таъминлаш мақсади кўзланганлигини ҳам эътиборга олиш жоиз.

ХУЛОСА

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Бухоро амирлигида вакф мулкчилиги тарихи мавзусига оид бирламчи манбалар ҳамда мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида қуйидаги хulosаларга келинди:

1. Бухоро амирлиги Россия империясига ярим қарам бўлган ҳолатда ҳам вакф муносабатларига доир ариза (*мурожсаат, шикоят, ҳисобот*) ҳамда қонуности (*муборакнома, ёрлик*) хужжатлар кўп тарқалган бўлиб, уларнинг таҳлили Бухоро ҳукмдорларининг хужжатларнинг тизимли тарзда юритилишига катта эътибор билан ёндашганларини кўрсатади.

2. XVIII аср охирлари ва XIX асрлардан бошлаб, ихчам, яъни кам варақли вакфномалар кўзга ташланиб боради. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида вакф хужжатларининг ҳажми қисқариб, анча ихчамлаштирилган эди. Бунинг асосий сабаблари ўртаҳол аҳолининг ўз мулкларини кафолатлаш мақсадида вакф қилишга ва шу орқали хайрия ишларига қўпроқ киришганлиги ҳамда уларнинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, расмийлаштиришга кетадиган харажатларни камайтириш билан боғлиқ эди.

3. Тадқиқ этилаётган давр Бухоро амирлигида вакф ҳолати унинг сиёсий мақоми билан боғлиқ бўлиб, Россия империяси билан тузилган ўзаро сулҳ битимлари, амирлик катта ҳудудларининг қўлдан кетиши ҳамда муҳим сув манбаи бўлган Зарафшон дарёси назоратининг руслар қўлига ўтиши, қолаверса, минтақанинг пахта этиштиришга мослаштириб борилиши бевосита вакф мулкчилиги нуқтаи назаридан қараганда ер-сув танқислиги, вакф мулклари даромадидан фойдаланишнинг қийинлашиши, таъминотсиз қолган кўплаб масжид-мадрасаларнинг қаровсиз ҳолга келиб, давлат тасарруфига ўтиб кетиши сингари жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келган эди.

4. Бухоро амирлигида вакф мулкларини таъсис этишда аввалдан амалда бўлиб келаётган анъаналарга таянилган бўлиб, бу даврда вакфнинг асосан “хайрий” ҳамда “аралаш” турлари оммалашиб борган. Амирликда “вакфи даҳяк” ҳам бўлиб, икки маънода қўлланилган. Биринчиси “султоний даҳяк” саналиб, давлат хазинасига тўланган ушр солиги ҳисобига хукумат томонидан таълим муассасаларига йўналтирилган бўлса, кейингиси бевосита вакф мулклари ижарасидан вакф муассасаларига тўланадиган тўлов сифатида тушунилган.

5. Вакф сифатида берилган мулклар рўйхатида ер майдонлари билан бир қаторда дўкон, бозор раастаси сингари савдо муассасалари, ҳунармандчилик ускуналари кўп учраган. Ушбу даврларда катта ҳажмдаги ерларни таъсис этиш қисқариб борган. Бу жараёнга минтақадаги сиёсий вазият, ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда воқифлар ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар катта таъсир кўрсатган.

6. Тадқиқ этилган даврда Бухоро амирлиги вақф амалиётида фарқли жиҳатлар кўзга ташланади, хусусан, миңтакада товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида илгари чекланган ҳажмда бўлган пул вақфлари сони ортиб борган ҳамда мазкур мулк тури асосан кўчмас мулкка қўшимча тарзда, бошқа кўчмас мулк сотиб олиш учун таъсис этилган.

7. Вақф институти давлатдаги яхлит тизимнинг бир бўлаги сифатида ўзида бошқарувга оид муносабатларни намоён қилган. Вақф мулкларидан фойдаланиш амалиётида юзага келган низоли вазиятларда тарафлар фикри ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилган.

8. Тадқиқ этилаётган даврда вақф таъсис этишда нафақат юқори табақа вакиллари, йирик мулкдорлар, балки аҳолининг хайр-эҳсон қилишга имконияти етадиган ўртаҳол қатlam вакилларининг ҳам фаол иштироки кузатилади. Улар томонидан таъсис этилган вақфлар ўзлари яшайдиган маҳалла/гузар манфаатларига, ишсизликни бартараф этишга хизмат қилган.

9. Ҳукмдорлар томонидан мамлакат ичида ҳамда бошқа мусулмон ўлкаларига ажратилган хайриялар асрий анъана ва қадриятлар билан боғлиқлигидан ташқари, уларнинг бунёдкорлик, халқпарварлик фаолиятларини намоён қилган. Шу билан бирга бу ҳолат уларнинг халқаро майдондаги сиёсий мавқеларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилган.

Илмий тадқиқот натижасида куйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди: Минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида вақф мулкчилигининг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда вақф ҳужжатларининг каталогини, ҳужжатлар тўпламини нашр қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий архивининг И-126 “Бухоро амирлиги қушбегиси” фонди ҳужжатларини нашр этиш амирлик давлат бошқаруви ҳақида муҳим маълумотларни беради.

Вақфномалардаги маълумотлар асосида бугунги кунда йўқолиб кетган ёки яхши сақланмаган муассасаларнинг асл тарихий қиёфасини тиклаб виртуал музей яратиш лозим.

**SCIENTIFIC COUNCIL NUMBER DSc.02/30.12.2019. Tar.56.01 ON
AWARDING THE SCIENTIFIC DEGREES UNDER THE INSTITUTE OF
HISTORY OF THE ACADEMY OF SCIENCES OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

INSTITUTE OF HISTORY

NARGIZA ADKHAMOVNA ISMATOVA

**FROM THE HISTORY OF WAQF PROPERTY IN
THE BUKHARAN EMIRATE
(SECOND HALF OF 19th – EARLY 20th CENTURIES)**

**07.00.01 - History of Uzbekistan
07.00.08 - Historiography, studies of historical sources and methods of
historical research**

Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences

Tashkent, 2022

The theme of the dissertation of doctor of philosophy (PhD) was registered under B2022.3.PhD/Tar726 at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

The dissertation was conducted at the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation has been posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the website of the Scientific Council (www.fati.uz) and on “ZiyoNET” information-educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisors:

Dono Hamidovna Ziyaeva

Doctor of Historical Sciences, Professor

Azamat Ziyo

Doctor of Historical Sciences, Professor

Official opponents:

Azimkhuja Muzaffarovich Atakhodjaev

Doctor of Historical Sciences

Leading organization:

Uktambek Abdulganievich Sultonov

Doctor of Historical Sciences

National University of Uzbekistan

The defense of the dissertation will be held on “____” 2022 at “____” at the meeting of the Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01. on award of scientific degrees at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. (Address: 100047, Yahya Ghulomov Street 70, Tashkent, the main building of the Academy of Sciences, 110-room. Tel.: (99871) 233-54-70, (99871) 233-62-01; fax: (99871) 233-39- 91; e-mail: info@fati.uz

The dissertation is available at the Information resource centre of Fundamental library of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (registered No. ____).
(Address: 100170, Ziyolilar Street 13, Tashkent. Tel.: (99871) 262-74-58, fax: (99871) 262-34-41).

Dissertation abstract is delivered “____” 2022.
Protocol registry No. “____” 2022)

M.S. Isakova

Chairman of Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor of Historical Sciences

Kh.S. Jumanazarov

Scientific secretary of Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences

N.A. Allaeva

Chairman of Scientific seminar under the Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor of Historical Sciences

INTRODUCTION (thesis annotation)

Topicality and relevance of the dissertation topic. Although the processes of globalization and integration taking place in the world are creating some political complications, they are also increasing creative activities such as charity and patronage, which are universal values of humanity, to a higher level. The direction of waqf – endowment, which is still important in most parts of the world, holds a special role in the protection of the interests of the population and their social protection. Therefore, waqf property is of great importance in restoring charity and patronage, ownership relations, and the activities of cultural and educational institutions.

Great attention has been paid to waqf institutions in Central Asia, in particular, their theoretical and legal foundations, elucidating their role and importance in the system of socio-economic relations, especially to clarifying the condition of waqf property during the Timurid era, and to the textual analysis of waqf documents in the scientific research conducted in the world. Furthermore, the actual issues awaiting their solutions are to disclose changes that occurred in waqf property and the factors that had influence on them, to show significance of waqf as a multibranched institution that fulfilled the task of social protection and served the interests of various strata of society as an event that had a serious impact on the socio-economic life in Turkestan region between the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century after the establishment of the Bukharan Emirate as a the protectorate of the Russian Empire.

Because of radical reforms conducted in Uzbekistan during the years of independence, the development of the discipline of history has reached to a new level, and the study of the history of national statehood on the basis of modern approaches, based on primary sources, is also rising to a new level of quality. Because the actual problem of today has been signified as “Even if there is a one-page manuscript related to our history, culture, religion, it is necessary to collect them, introduce to our people, our youth, and explicate what a great and specific heritage we have had”¹. Special attention is being drawn to the restoration and development of the waqf system, which is the material basis of the educational system and religious-educational institutions, and thereby “supporting initiatives aimed at enhancing religious, spiritual and intellectual potential of citizens, preserving our national and religious values”². Therefore, researching the history of waqf property in Bukharan Emirate based on primary sources and from the perspectives of national statehood serves to elucidate a number of issues mentioned above.

The research to a certain extent serves the implementation of the tasks assigned in the Presidential Decree of the Republic of Uzbekistan No. PF-5416 “On measures for radically improving the activities of the religious and educational

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 471.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Фармони. www.lex.uz

sphere”, issued on April 16, 2018 and Presidential Resolutions No. PQ-2995 “On measures for further improvement of the system of preservation, research and propagation of ancient written sources”, issued on May 24, 2017 and PQ-3080 “On measures for the establishment of the Centre of Islamic Culture in Uzbekistan under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan”, issued on June 23, 2017.

Relevance of research to priority areas of science and developing technology of the Republic. This dissertation was carried out within the framework of the priority direction of the program I. “Formation of the system of innovative ideas in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and the democratic state and the ways of their implementation” of the Republican science and technology development.

Problem development status. There has been held colossal research on the issue of waqf, which covers the territory of different Muslim countries³. They have been applied for developing a methodological approach and scientific-theoretical conclusions. However, special complex works have not been conducted on the history of the waqf property of Bukhara Emirate. The information that illustrates some aspects of the issue is given in the literature of various fields that reflect the issue of waqf in Turkestan. In this respect, on the basis of a chronological and problematic approach, researches on the issue of waqf property can be divided into four categories: studies conducted in the years of the Russian Empire, Soviet Union, during independence and foreign researches.

A detailed historiographical analysis of the research is conducted in the first chapter of the dissertation. Here, a general description and conclusions are given for of these categories:

The problem was approached from the perspective of controlling waqfs in the works held during the Russian Empire based on the interests of the imperial government, clarifying issues related to land relations, in particular, and issues such as taxing them at the expense of the treasury.

The issue of waqf was mainly researched within the framework of the history of *agrarian* and *land ownership* relations, as well as from the point of view of source studies in the works of Soviet period. These works focus on the history of waqf property within the framework of issues such as land-water relations, clerical process and documentation – diplomatics, the role of women in society, the status of ulama and their economic status.

Due to the changes in ownership relations and the restoration of religious values, attention to the history of waqf property has grown in the years of independence, and the historiography of the subject has enhanced. The aspects such as the policy of Russian Empire in relation to waqfs in Turkestan, the

³ Kuran T. The Provision of Public Goods under Islamic Law: Origins, Impact, and Limitations of the Waqf System // Law and Society Review. – 2001. – Vol. 35, №. 4. – P. 841–897; Shatzmiller M. Islamic Institutions and Property Rights: the case of the ‘Public Good Waqf’ // Journal of the Economic and Social History of the Orient. – 2001. – Vol. 44, № 1. – P.57–58; Layish A. Waqfs of Awlād al-Nās in Aleppo in the Late Mamlūk Period as Reflected in a Family Archive // Journal of the Economic and Social History of the Orient. – 2008. – Vol. 51, № 2. – P. 287–326; Cizakca M. Cash waqfs of Bursa, 1555–1823 // Journal of the Economic and Social History of the Orient. – 1995. – Vol. 38, № 3. – P. 313–354.

management of waqf property, cash waqf, and the role of women in the waqf property have been examined in the studies written during this period.

